

bermaydi. Aslida xalqning o‘zi jabridiyda...[13]. Bu so‘zlar bilan xalq javob bermasligi, jabridiydaligi aytilayotgan bo‘lsada, Gdlyan va Ivanov boshliq turgov guruhi faoliyati davomida olib borgan noqoniy hatti harakatlari, matbuotdagi maqolalar, teleko‘rsatuvlar orqali xalq bosimda ushlab turildi.

Ammo har bir davrda ham, og‘ir bo‘lishiga qaramasdan nohaqliklar so‘ngida baribir adolat qaror topadi. Gdlyan va Ivanov boshchiligidagi tergov guruhining noqonuniy faoliyati haqida birin-ketin maqolalar chop etila boshlandi.

“Izvestiya” va “Sevetskaya Rossiya” gazetalarining 1990 yil 9 fevral sonlarida Gdlyan va Ivanovning O‘zbekistondagi tinch aholiga nisbatan jinoiy hatti-harakatlari haqida maqola chop etildi[14]. “Haqiqatni hamma bilishi kerak. Bor haqiqatni” nomi bilan bosilgan ushbu maqolada Gdlyan va Ivanovlarning sovet qonunchiligiga zid ravishda olib borgan faoliyatiga odilona baho berilgan edi.

Gdlyan va Ivanov va ularning tarafdorlari tomonidan Respublika hamda markaz OAVlarida omma e’tiborini chalg‘ituvchi, uydirma ma’lumotlarning doimiy berib borilganligi [15] butun jamoatchilikda noto‘g‘ri fikr va dunyoqarashni shakllanishiga olib keldi. Ular shon shuxratga ega bo‘lish uchun matbuotdan ustalik bilan foydalanishdi.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:

1. Shavkat Mirziyoyev: Mustaqillikka erishish oson bo‘lmagan. president.uz/uz/lists/view/5478
2. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 5-b.
3. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 3-b.
4. “Ogonyok” jurnalining 1989 yil iyun, 4-soni
5. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 266-b
6. Yo‘ldoshev I. Maxfiy mahkama yoxud qonunsiz qamalanganlar qissasi. Samarqand. Turon nashr, 2021 8-b
7. «Selskaya molodej» jurnalining 1988 yil 3 oktabr soni.
8. “Izvestiya” gazetasining 1988 yil 2 noyabr soni.
9. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 181-b
10. Ilyuxin V. Qabohat yoxud... (“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida). Toshkent, “O‘zbekiston”, 1993 yil. 181-b
11. Abdusalilov A. Gdlyan-Ivanov farisei ot korrupsii. <https://proza.ru/2008/12/15/256>
12. “Sovet O‘zbekistoni” gazetasi 1988 yil 23 yanvar soni.
13. “Izvestiya” gazetasi 1988 yil 9 may soni.
14. “Trud” gazetasi 1991 yil 16 aprel soni.
15. Yo‘ldoshev I. Maxfiy mahkama yoxud qonunsiz qamalanganlar qissasi. Samarqand. Turon nashr, 2021 b-330.
16. Pravda Vostoka gazetasi 1987 yil 20 iyun soni.

СУҒД ВА УСТРУШОНА: АРАБЛАР БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА

Хўжанов Нуриддин Зиёдуллаевич

Самарқанд давлат университети таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳамда Суғд ва Уструшонадаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлари ҳақида умумий маълумот берилган. Худудлардаги ҳуқумдорларнинг сиёсий жараёнларга қўшган ҳиссаси баён қилинган.

Калит сўзлар: Суғд, Тохаристон, Уструшона, Муғ тоғ, Дехистон, Лившист, Араб, Бағд, А-9

Аннотация: В данной статье представлены общие сведения о проникновении арабов в Среднюю Азию и их политических и социальных процессах в Согде и Уструшене. Описан вклад региональных правителей в политические процессы.

Ключевые слова: Согд, Тахаристан, Уструшона, Муг, Дехистан, Лившист, Араб, Багд, А-9

Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятида муҳим даври Араб халифалиги ҳукмронлиги даври билан боғлиқ бўлиб, бу даврда минтақада юз берган ўзгаришлар кейинги даврлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларга ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди десак муболаға бўлмайди. Араб халифалигининг Марказий Осиё минтақасига юришлари арафасида минтақада Турк хоқонлиги таркибидаги бир неча конфедератив асосда бошқариладиган Суғд, Тохаристон, Чоч, Бухоро, Чоч каби маъмурий-сиёсий бирликлар мавжуд бўлиб, улар ички сиёсатда мустақил бўлишган.

VII асрнинг сўнгги чораги – VIII асрнинг биринчи ярмида, яъни, қарийб ярим асрдан ортиқ давр оралиғида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида йирик сиёсий жараёнлар юз беради. Асосан араблар босқини билан характерланадиган бу давр мобайнида Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбидаги Марв, Гургон ва Дехистон (Шимоли-Шарқий Хуросон), ушбу минтақа жанубидаги Тохаристон, Бадахшон ҳамда минтақанинг нисбатан марказий қисмларидаги Бухоро, Хоразм, Суғд, Уструшона, Чоч, Исфижоб ва Фарғона каби тарихий-маданий вилоятлар янги сиёсий кучларга қарши курашиш заруриятига дуч келадилар. Минтақада вужудга келган чигал вазият ушбу ҳукмдорликларни ўзаро ҳамжиҳатликка ундаб, Ғарбий Турк хоқонлиги етакчилигида Чоч, Фарғона, Уструшона, Бухоро, Самарқанд, Панч, Тохаристон ҳукмдорликларининг арабларга қарши курашадилар. Қисқаси мавжуд бўлиш ёки яшаб қолишнинг асосий шарти биргаликда ҳаракат олиб бориш билан боғлиқ эди.

Ушбу давр ҳар бири алоҳида-алоҳида воҳа ҳукмдорликлари – мулкликлар бўлган мазкур сиёсий-маъмурий бирликлар Ғарбий Турк хоқонлиги қўл остида бўлиб, бу вақтда хоқонликнинг сиёсий жиҳатдан нисбатан кучсизлашган бир палласи эди. Шунга қарамай, хоқонлик ушбу воҳа ҳукмдорликлари устидан ўз сиёсий устунлигини сақлаб қолган ҳолда минтақада арабларга қарши курашга бошчилик қилишга интилганлиги турли тиллардаги ёзма манбалар, хусусан, хитой йилномалари, қадимги турк битиктошлари, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари, араб ва форс тилларидаги маълумотлар асосида ўз тасдиғига эга. Соҳага оид тадқиқотларда ҳам хоқонликнинг Араб халифалиги кучларига қарши биргаликда ҳаракатлар олиб борганлиги эътироф этилган¹⁰. Масалани Суғд ва Уструшона мисолида қараб чиқадиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, араб босқини арафасида ҳар иккала конфедерацияда деярли ўхшаш сиёсий воқеликлар юз берганлиги англашилади. Бу ҳолат айниқса, асосан Уструшонада, қисман эса Суғднинг Уструшонага қўшни ҳукмдорликларида бўлиб ўтган сиёсий воқеликларда яққол кўзга ташланади.

Илк ўрта асрлар даврига оид Панч ҳукмдорлари архиви суғдий ҳужжатлари бўйича изланишлар олиб борган суғшунос В.А.Лившиц Самарқанд Суғди ва ундан анчагина мустақил сиёсат юргизган Панч ҳукмдорлиги билан Уструшонанинг ўзаро муносабатларини ёритадиган бир ҳужжатга ўз эътиборини қаратган. Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орасида А-9 деб юритиладиган ҳужжатда Уструшона, Шавкат, Буттаман, Парғар каби жой номлари учраб, ҳужжат мазмунидан уларнинг бир қисми Уструшонага, бир қисми Панчга тегишли тоғлик мавзелар экани англашилади¹¹. Бу ҳужжат талқинидан англашиладиган муҳим масала шуки, илк ўрта асрларда ҳам Уструшона айна ҳолатда ишлатилган ва алоҳида маъмурий сиёсий бирлик сифатида қўшни минтақалар билан алоқалар ўрнатган.

¹⁰ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. - Л.: Изд. АН СССР, том II. – 1950. – С. 311-321; Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод, Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М.: Издво восточной литры, 1962. – С. 80-84; Кляшторный С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // ЭВ. – Москва, 1954. – № IX. – С. 5564; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 40; Бобоёров Ф., Ғойибов Б., Кубатин А. Ўрта Осиё битиклари – I. Суғдий ёзма ёдгорликлар. – Т., 2020. – Б. 28-58.

¹¹ СДГМ II. – С. 95-96; Исҳоқов М., Бобоёров Ф., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 61-63.

Милодий 722 йил август ойининг биринчи ҳафтасида ёзилган деб тахмин қилинади А-9 хужжатининг адресати жуда бўлмаганда муҳим амалдор эканлиги хат мазмунидан яққол кўриниб туради. Масалан, муаллиф Уструшона, Парғар, Хўжанд каби қатор шаҳар ва вилоятлардаги аҳволни баён этади. Афтидан, у араблар билан тузилиши мумкин бўлган битим ҳақида гапиради. Хужжат муаллифи Парғар ерларини ташлаб кетмаслик лозимлигини таъкидлайди. Чунки бу ерларда яқин келажакда муайян хавф-хатар йўқ¹².

А-9 хужжати мазмунига кўра, подшо Деваштичнинг Парғар, Уструшона, Хўжанд вилоятларида яширин иш кўрган кузатувчиси (айғокчиси) томонидан ёзилган махфий маълумотномадир. Хужжатда адресат ва мактуб йўлловчи киши номлари кўрсатилган эмас. Унда одатдагидек мактубот жанрига хос кириш ва хотима формулалари ҳам йўқ. Хат муаллифи тўғридан-тўғри ўзи кузатган воқеалар баёнига киришади. Бундай эҳтиёткорлик араблар истилоси жараёнида эҳтимол зарур бўлгандир. Бу ҳақда А-9 хужжатининг илк ношири В.А.Лившиц уч хил тахмин билдирган: 1) мактубнинг етиб келган қисмининг бир бўлаги, бош қисми йўқолган; 2) А-9 матн хатнинг асосий мазмунининг қора нусхада тайёрланган кўриниши. Шу матн асосида тегишли кириш ва хотима формулалари билан оққа кўчирилган матн етиб келмаган; 3) кириш ва хотима формулаларида исмлар таъкидланиши лозим эди. Лекин ҳарбий-сиёсий вазият тақозоси билан атайлаб тушиб қолдирилган. М.Исҳоков, Ғ.Бобоёров ва А.Кубатинлар бу ўринда учинчи тахминни кўпроқ асосга эга деб ҳисоблашади. Бунинг исботи сифатида ҳукмдор Деваштичнинг ўз кишиларини қўшни ерларга юборар экан, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда шароит тақозоси билан мактуб ва маълумотлардаги расмий анъанавий услуб формулаларидан атайлаб фойдаланмаслиги ҳолатини келтиришади. Мактуб Деваштичга шахсан йўлланганлиги ҳақида фақат тахмин қилиш мумкин. Бунинг асослаш учун хужжатнинг 8-қаторида муаллиф томонидан адресатга мурожаат қилиб *рти марай* “ва ҳоким (жаноблари)” деб ёзилганини кўрсатиш кифоя. Кўпроқ суғдийча афшин унвонини ифодалаш учун қўлланилган *марай* орамийча идеограмма бўлиб, Муғ тоғи суғдий матнларида фақат адрес формулаларида учрар ва Деваштичга нисбатан қўлланар эди. Бошқа вилоят ҳокимларига нисбатан доимо суғдийча хуву – “ҳоким”, “ҳукмдор” сўзидан фойдаланишган. Кўриниб турибдики, бу ўринда Деваштичнинг ўзига хат контексти ичида мурожаат қилиш учун *марай* сўзи қўлланган. В.А.Лившицнинг фикрича, хат муаллифи ҳозирги Ўратепа, Мастчо, Хўжанд ерларида иш кўрган. У берган маълумотлар географияси шундан далолат беради. Буттаман – Панжикентдан юқоридаги тоғли ўлка; Парғар – Суғд билан чегарадош шимолий ерлар; Уструшан – Мастчо, Ўратепа атрофидаги ерлар¹³.

Шунингдек, биров қуйида батафсилроқ кўриб чиқиладиганидек, 683 йилдан 708 йилгача Панч ҳукмдори бўлиш билан бирга “Бағд подшоси, Панч ҳукмдори” каби қўшалок унвон билан иш кўрган Чакин Чўр Билга Бичут ўғли ҳукмронлигининг 15-йилида тузилган Муғ тоғи суғдий хужжатларидан бири (В-8)да учрайдиган Бағднинг қаерга тўғри келиши борасида ҳам В.А.Лившиц ўз қарашларини билдирган бўлиб, тадқиқотчи “агар Бағд подшолик бўлган бўлса, унда Панчикат (Панч / Панжикент) унинг таркибидаги ҳукмдорлик бўлган”, деб тахмин қилади. Демак, тадқиқотчи Бағд ҳудудининг Уструшонага қарашли бўлиши мумкинлигини илгари суради. Унга кўра, “агар “Бағд (Бағд) подшоси” мустақил подшолик унвонига эга бўлган бўлса, унинг мулки Самарқанд Суғдида ёки Панчга қўшни Уструшонада жойлашган бўлиши мумкин”¹⁴.

Ўз вақтида суғдшунос И. Гершевич Бағд топонимини ўрта асрларга оид форсий манбалардаги Фағкат билан боғлашни таклиф қилган эди¹⁵. Бироқ ёзма манбаларда Фағкат Уструшонанинг шимолида, Хўжандга яқин йўл устидаги шаҳар, деб тилга олинади. Бу эса Фағкат ҳукмдорининг Панчга қандай алоқадорлигини чигаллаштиради. М.Исҳоқовнинг ёзишича, “Бу масалада ал-Истахрийнинг “Китоб ал-масолик ва л-мамолик” китобида келтирилган маълумот анча ойдинлик киритади. Бу асарда топоним Бағдон шаклида келтирилган. Бағдон топонимининг

¹² Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – С. 97-109; Исҳоков М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар. ... – Б. 61.

¹³ Исҳоков М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар. ... – Б. 63.

¹⁴ СДГМ II. – С. 95-96.

¹⁵ Gershevitch I. Sogdians on a Frogplain // Melanges linguistique soffertsa Emile Benveniste. Louvain. – Paris, 1975. – P. 195-211.

бу шаклини В.А.Лившиц Хутталон, Вардон, Бадахшон каби топонимлар билан типологик бир, деб қарайди ва Истахрийнинг “Илгари бу русток (яъни, Бағдон) Самарқандга ўлпон тўлар эди, Афшин даврида эса Уструшонага қарашли бўлди” деган сўзларини далил сифатида кўрстади. Бундан кўринадики, Бағд муносабати билан Суғд ва Уструшона ўртасида худудий муаммолар бўлган ва булар ислом даврига келиб, Уструшона фойдасига ҳал бўлган”¹⁶. М.Исҳоқовнинг ушбу фикрларига янада аниқлик киритиш учун қуйида бу масалага бағишлаб махсус мақола ёзган суғдшунос П.Б.Лурьенинг фикрларига тўхталиб ўтишни лозим топамиз.

Суғд ва Уструшона орасидаги сулолавий ришталар қай даражада бўлганлигини масаласига аниқлик киритиш учун суғдий ёзувли Панчга тегишли ҳужжатларда учрайдиган *βytyk* иборасига янада чуқурроқ қараб чиқиш керак бўлади. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, тадқиқотчилар ушбу иборанинг Уструшонага қанчалик тегишлилиги масаласида бир тўхтамга келишмаган. Суғдшунос П.Б. Лурье Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан бири – В^Λ- рақамли ҳужжатда *βytyk MLK' pncu MR'Y ck'yn cwr βydk* “*βytyk* хукмдор Панч подшоси (афшини) Чакин Чўр Билга” жумласи учраши ва унинг ۷۰۸-۶۹۲ йилларда Панчни бошқарган туркий хукмдор бўлганлигини таъкидлайди. Унга кўра, ушбу суғдий ҳужжатдаги *βytyk MLK'* сўзи “бахтли хукмдор” деган маънода қўлланилган бўлиб, бу сўз ёки ибора Панч бошқарувчи Чакин Чўр Билганинг эпитети бўлган. Шу тарика ушбу ҳужжатдаги жумлани “Бахтли хукмдор Панч подшоси Чакин Чўр Билга” шаклида тушуниш керак¹⁷. Тадқиқотчининг ёзишича, *βytyk MLK'* “бахтли хукмдор” иборасидаги “бахли” сўзи аслида қадимги туркча “қутлуғ” эпитети (сифати)нинг суғдийча шакли бўлиб, туркийлар бошқарувида бу сифат анча кенг тарқалган эди. Бироқ, юқорида келтириб ўтганимиздек, В.А.Ливший ва И.Гершевич каби тадқиқотчилар П.Б.Лурьенинг бу қарашига қўшилмай, *βytyk MLK'* иборасини муайян бир жой номи билан, Уструшонага қарашли Бағдон ёки Фағнон / Факнон рустоқи билан боғлашга ҳаракат қилишади. В.А.Лившиц В^Λ- рақамли суғдий ҳужжатдаги *βytyk* сўзини *ktyk*, *βštyk*, *kštyk* кўринишларида ўқиб, уни Муғ ҳужжатларининг бир нечасида учрайдиган *sywδyk MLK' sm'rkndc MR'Y dyw štyc* “Суғд подшоси, Самарқанд хукмдори Деваштич” ибораси билан солиштиради ва шу тарика *βytyk MLK'* иборасини “*βyt* подшоси” деб очиклашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, *βyt* сўзига муайян бир топоним деб қараш керак бўлади. Кейинроқ эса В.А.Лившиц *βytyk* топонимини Истахрий асарида ئىغان (вариантлари: يغان, نعيان, بعنان, نعيمار) ва Ибн Ҳавқал асарида بغتان* (*Baytān*) шаклларида ўрин олган русток номи билан тенглаштиради. Араб ва форс географлари асарларида Уструшона хукмдорлигида рустоклардан бири сифатида тилга олинган русток дастлаб Самарқандга тегишли бўлиб, ал-Афшин даврида Уструшонага қўшиб олинган эди. Бизнингча, ал-Афшин деганда тадқиқотчилар 841 йилда ўлдирилган Афшин Ҳайдар ёки Ҳайдар ибн Қоъ вусни назарда тутишади¹⁸.

П.Б.Лурье бир вақтлар В.А.Лившиц ва И.Гершевич томонидан билдирилган фикрларга унчалик қўшилиб бўлмаслигини таъкидлаб, ئىغان сўзини بقتان* (*Baqnān*) кўринишида ўқиш ва уни Уструшонадаги *Faknān* рустоғи билан тенглаштириш бирмунча қийин эканини ёзади. Унинг фикрича, Факнон рустоқи Уструшонада жойлашган бўлиб, маркази Дизак (ҳозирги Жиззах) шаҳри эди¹⁹.

Бизнингча, ушбу тадқиқотчининг фикрларига бирмунча қўшилиш мумкин. Чунки, Уструшонанинг марказий қисмларидаги Фағнон (Жиззах) рустоқи Суғддан, хусусан, унинг шарқий қисмидаги Панч хукмдорлигидан анчагина узоқ масофада жойлашган бўлиб, Суғд ва Уструшона орасида ундан бошқа рустоклар – Иштихон ва Кабудон хукмдорликлари (Суғд) ҳамда Усманд (Уструшонадаги йирик аҳоли масканларидан бири – бугунги Жиззах вилоятидаги Бахмал туманидаги Усмат қўрғони) ўрин олган эди²⁰. Шу тарика, араб ва форс ге-

¹⁶ Исҳоқов М.М. Илк ўрта асрларда Суғд, Уструшона ва Чоъ муносабатларига доир ... – Б. 7.

¹⁷ Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билга // Центральная Азия от Ахеменидов до Тимуридов: археология, история, этнология, культура. Материалы международной научной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения А.М.Беленицкого (Санкт-Петербург, 2–5 ноября 2004 года). – СПб.: Институт истории материальной культуры РАН, 2005. – С. 128, 130.

¹⁸ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. – Сталинабад, 1957. – С. 153-154.

¹⁹ Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билга. ... – С. 128.

²⁰ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. – Москва, 1963. – С. 144-145; Ахун-бабаев Х.Г. Древний Кабуданжакас (к вопросу локализации, генезиса этапов развития раннефеодальных владений и средневековых руста-

ографлари томонидан қайд этилган Фағдон ёки Бағдонни Фағнон рустоқи (Жиззах шаҳри) билан тенглаштириб бўлмаслигини ва Фағдон / Бағдон рустоқини Суғддан, хусусан, Самарқанд хукмдорлиги ҳудудидан излаш керак деб биламиз.

Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, И.Гершевич *βyt-* сўзини Уструшонадаги Бағкат, Вағкат (ҳозирги *Vagat*) топоними билан тенглаштириб, ушбу жой номини **βyt-kndh* “Вағд (туманидаги) шаҳар” деб изоҳлашга уринади²¹. Унинг бу фикрига қўшилмаган П.Б.Лурье аслида *Vaykaθ* бўлган Бағкат ёки Вағкат топонимининг этимологик очиқламаси “Илох, жаноб шаҳри” шаклида эканлиги, ушбу топоним Аррианнинг “Александр юришлари” асарида *Βαχα* кўринишида учрашига эътибор қаратади. Унга кўра, Вағкат шаҳри Панч (Панжикент) дан анча узоқда жойлашганлиги учун ҳам И.Гершевичнинг бу фикри ҳақиқатдан йироқдир²². Бизнингча, П.Б. Лурьенинг бу фикрида ҳам жон бор, чунки Вағкат Уструшонанинг жанубида эмас, нисбатан шимолида, хусусан, Суғддан анча узоқликдаги ҳудудда жойлашгани учун уни суғдий ҳужжатдаги *βyt-* сўзи билан тенглаштириш бирмунча қийинчилик туғдиради.

П.Б.Лурьенинг ёзишича, *βytyk MLK'* ибораси бўйича япон суғдшуноси Ю.Ёшида томонидан билдирилган фикрлар ҳам диққатга сазовордир. Ю.Ёшидага кўра, *βytyk* сўзини хитой йилномаларида *Mu* (Маймурғ) хукмдорлигининг пойтахти сифатида тилга олинган *Bo-si-de* шаҳри билан тенгалаштириш мумкин. П.Б.Лурьегга кўра, *Bo-si-de* (*Bo-xi-de*) номи илк ўрта асрлар хитойчасида *pat-sik-tək* шаклида талаффуз қилинган бўлиб, уни *βytyk* сўзи билан тенглаштириш ўзини оқламайди. Бизнингча, унинг ушбу фикрида ҳам жон бор бўлиб, суғдийча *βytyk* ва Маймурғ хукмдорлигининг пойтахтининг хитойчада *Bo-xi-de* шаклида келтирилган номи бир-биридан анча фарқ қилади. Шу ўринда тангашунос Ғ.Бобоёровнинг фикрича, В-8 ҳужжатдаги *βytyk* сўзини *βštyk* шаклида ўқиган тақдирда уни *Bo-si-de* (*Bo-xi-de*) топоними билан тенглаштириш имкони бор. Тадқиқотчига кўра, аслида бошланғичда Панч ва Маймурғ алоҳида-алоҳида қўшни хукмдорликлар бўлиб, VII асрнинг сўнгги чораги – VIII аср бошларида Маймурғнинг Панчга қўшиб олингани тахмин қилинадиган бўлса, ҳужжатдаги топоним (*βštyk*)ни хитой йилномаларидаги *Bo-si-de* (*Bo-xi-de*)ни битта жой деб қараш имконияти пайдо бўлади²³.

Шу ўринда айтиб яна битта масалага тўхталиб ўтиш керакки, хитойлик тадқиқотчилардан дастлаб Ма Сяо-хе, кейинчалик эса Ма Юн, ундан кейинроқ эса француз суғдшунослари Ф.Гренэ ва Э. де ла Вессьерлар *Bo-si-de* шаҳрини Панжикент шаҳри билан тенглаштирган бўлсалар-да²⁴, рус суғдшуноси Б.И. Маршак Босидэ (*Bo-si-de* / *Bo-xi-de*) ва Самарқанд орасидаги масофа 100 ли (≈ 30 км) деб кўрсатилгани, Самарқанд ва Панжикент шаҳарлари орасидаги масофа эса 60 км эканлигидан келиб чиқилса, бу фикр ўз тасдиғини топмаслигини ёзган эди. Бунга қўшимча равишда П.Б.Лурье Панжикент (суғдийча *Pančī-kanθ*) ва Маймурғнинг пойтахти, хитойча берилиши Босидэ (ўрта хитойча ўқилиши *pat-sik-tək*) номларини бир деб қараш ўзини бутунлай оқламайди, чунки, Панч пойтахти Панжикентнинг таркибий қисми *kanθ* (суғдийча *kndh* “шаҳар”) хитой муаллифлари томонидан доимо *цянь* (ўрта хитойча *kian*^(h)) шаклида берилишини ҳисобга олиш зарур бўлади²⁵. Шунингдек, тадқиқотчи *Босидэ* топонимини араб манбаларида Самарқандга қарашли Варағсар тўғони ёнидан оқиб ўтган йирик ариқлардан бири сифатида тилга олинган Барш ёки Бараш гидроними билан тенглаштириш ҳам мумкинлигини ёзади²⁶. Бизнингча, *Босидэ* хитой йилномаларида *Mu* (Маймурғ)нинг пойтахти сифатида келтирилганлигидан келиб чиқилса, уни муайян бир гидроним билан таққослаш ўзини унчалик оқламайди.

Гарчи, бу борада П.Б.Лурье бирмунча ҳақли кўринса-да, *Босидэ* шаҳрининг ўрни ҳали аниқланмаган, уни Уструшонадаги Бағд ёки Бағдон рустоқи билан ҳам, Панжикент шаҳри билан ҳам таққослаш имкони бор. Шунингдек, *Босидэ* шаҳри Самарқанддан 100 ли узоқликда

ков Самаркандского Согда // Археология Средней Азии. Тезисы докладов. – Ташкент, 1991. – С. 26-27.

²¹ Gershevitch I. Sogdians on a Frogplain. ... – P. 206.

²² Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгә. ... – С. 128.

²³ Ғ.Бобоёров ушбу қарашларини биз билан оғзаки равишда ўртоқлашгани учун унга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз – Х.Н.

²⁴ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 166.

²⁵ Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгә. ... – С. 128.

²⁶ Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгә. ... – С. 128.

жойлашган шаҳар сифатида хитой йилномаларида келтирилган бўлиб, айрим ўринларда 100 ли узунлик ўлчов бирлигининг 50 км атрофидаги масофани билдирганлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Хитойликлар берган масофа ўлчовлари ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўлақонли мос келавермаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, *Босидэ* ва Панжикент битта жойнинг турли тилларда берилган вариантлари деб қараш ҳам мумкин. Шу билан бирга, Панжикент ва Самарқанд орасидаги масофа 60 км атрофидалиги кўзда тутиладиган бўлса хитойлик муаллифлари унчалик ҳам катта хатога йўл қўймаган бўлиб чиқади.

Энди, араб истилоси арафасида Суғд ва Уструшона ҳукмдорликлари орасидаги сиёсий муносабатлар масаласига аниқлик киритадиган бошқа маъулмотларга ҳам эътибор қаратсак. А-14 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатида Панч ҳукмдори Деваштич (708-722) томонидан 710- йиллар ўрталари ёки 720- йиллар бошида Чочга юборилган элчи Фатуфарн ўз вазифасини адо этгач, Панчга қайтаётиб, Уструшона орқали ўтишига тўғри келади. Бироқ у Чочда бўлган кунларда Уструшона араблар қўлига ўтиб, йўли беркилиб қолган ва шу сабабли сафарини ёлғиз давом эттиришдан чўчиб, Чочга қайтган. Бу ердан туриб у ўз ҳукмдори Деваштичга ёзган мактуби Муғ тоғи Суғд ҳужжатлари архиви таркибида бизгача етиб келган ва хатга шартли равишда А-14 рақами берилган. Ушбу хатнинг 16-17-сатрларида Фатуфарн Уструшаник утакт пғанштак “Уструшона ерлари босиб олинган” деб ёзади²⁷. Бундан кўринадикки, VIII асрнинг илк чорагида араблар томонидан Уструшона, эҳтимол унинг текислик қисмидаги рустоқлари араблар қўл остига ўтган бўлиб, панчлик элчи ўз юртига қайтмоқчи бўлганда уларнинг қўлига тушиб қолишдан хавфсираган.

Араб халифалиги истилоси хавфи остида қолган Суғд ҳукмдорликлари қаторида Уструшона ҳам Ўрта Осиёнинг Чоч, Фарғона ҳукмдорликлари каби Панч ҳукмдорлиги учун иттифоқчилар излаш талабини қўяди. Бу вазият, афтидан уструшоналиклар учунгина эмас, Панч учун ҳам, Чоч учун ҳам хавфнинг кучайишига олиб келиши мумкин эди. Минтақадаги деярли барча ҳукмдорликларнинг ўзаро иттифоқчиликда арабларга қарши курашга интилишларига араб истилочилари бефарқ бўлмайди. Табарийнинг ёзишича, уструшоналиклар ва панжикентликлар биргаликда Фарғона ҳукмдори Алутар (700-726)дан бошпана сўрайдилар. Бироқ, маълумки, бу режа Алутарнинг ўз ваъдасидан қайтгани туфайли амалга ошмайди²⁸. Вазиятдан хабар топпан араблар Хўжанд яқинида йўл устидаги қочқинларни кириб ташлайдилар, шундан кейин панчликлар ҳам сафар ниятидан қайтадилар²⁹.

Араблар Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларини эгаллаш учун фақатгина минтақанинг Суғд ва Уструшона каби ўлкалари билан чекланиб қолмайдилар. Улар турли йиллардаги бир неча бор уринишлар орқали Бухоро, Самарқанд, Уструшона орқали минтақанинг шимолий ва шимолишарқий ҳудудларидаги Чоч, Тарбанд (Ўтрор), Исфижоб (Сайрам), Фарғона ҳудудларига юришлар уюштирадилар. 710-720 йиллар давомида қилинган юришлар тўлақонли натижа бермаганлиги учун араблар 730-750 йиллар мобайнида бир неча бор харбий сафарлар уюштириш орқали ушбу тарихий вилоятлар – ҳукмдорликларни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Шунга қарамай то 750- йилларгача нафақат Чоч, Фарғона, Исфижоб, балки Уструшона ҳам араблар босқинига қарши курашни давом эттиришади. Қизиғи шундаки, ўша йилларда ҳам арабларга қарши кучлар бошида турк хоқонлари туришган³⁰. Табарий ва Ибн ал-Асир араб халифалиги ноиб Асад ибн Абдуллоҳ ал-Кушайрининг 737 йилда Хутталга юриши мобайнида турк хоқони бошчилигида арабларга қарши курашаётган иттифоқчи кучлар орасида Уструшона ҳукмдори Харабуғра (Қора-бўғра) тўғрисида эслатиб ўтиши бу фикрни тасдиқлайди³¹. Хитой йилномаларида эса Қора-бўғра исмли шахс Суғднинг Иштихон

²⁷ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 86-88; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар. ... – Б. 63-64.

²⁸ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 246-249; Отахўжаев А. Фарғона подшолигининг араб истилосига қарши курашдаги иштироки // Илмий хабарнома. Андижон ДУ. – Андижон, 2015. – Б. 65-69.

²⁹ Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – Москва: Наука, 1972. – С. 291.

³⁰ Бичурин Н. Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311-321; СДГМ II. – С. 80-84; Кляшторный С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам). ... – С. 5564; Смирнова О.И. Очерки из истории Согд. ... – С. 40; Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин А. Ўрта Осиё битиклари – I. ... – Б. 28-58.

³¹ Негматов Н. Н. Уструшана // Средняя Азия в раннем средневековье. – Москва, 1999. – С. 136; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 289.

хукмдорлиги бошқарувчиси сифатида тилга олинади. Хусусан, хитой йилномачилари аслида Уструшона хукмдори бўлган Гэло-пуло (Қора-буғра)ни 748 Ғарбий Цао (Иштихон)нинг бошқарувчиси сифатида қайд этадилар³². Аслида Табарий келтирган маълумотдан маълум бўлишича, 720- йилларда Харабуғра (Қора-буғра) Уструшона хукмдори эди³³. Бу эса 730-740 йиллар орасида Суғднинг деярли барча хукмдорликлари араблар асоратига тушиб қолган паллаларда Уструшона хукмдорлари арабларга бўйсунмасдан ўз мустақиллиги учун курашни давом эттирган ва ҳатто араблар қўл остидаги қўшни ҳудудларни ўз таъсир доирасига олишга ҳаракат қилган, деган мазмундаги тахминларга етаклайди.

Қора-бўғранинг ўғли, отасининг ўрнига Уструшона хукмдори бўлган шахс Харахурра кўринишида учраб, турли ёзма асарларда унинг Харахуруру, Харахана, Абарахурра, Жанахурра шакллари ҳам сакланиб қолган³⁴. Табарий уни Наср ибн Сайёр (739-748) томонидан 739 йилда Уструшонага қилинган ҳарбий юриш муносабати билан тилга олиб, у Наср ибн Сайёрга ўлпон тўлаб тургани, Наср турк хоқони Кул-чўр (араб. Курсул)га қарши урушиб, Сирдарёнинг Чоч томонидаги қирғоғида бўлиб ўтган жангда араблар ёнида уструшоналиклар ҳам иштирок этганини ёзади³⁵. У VIII асрнинг 90- йилларигача Уструшонани бошқарган хукмдор сифатида маълум. Ушбу хукмдор 794-795 йилларда Бармакийлар ноиб Фазл ибн Яхё (765-803)га бўйсунгани араб манбаларида қайд этилади³⁶. Бундан кўринадики, Уструшонанинг араб истилосига қарши кураши анча узоқ йиллар давом этади. Яъни, 790- йилларгача, Муқанна қўзғолонидан кейинги йилларда Уструшона хукмдорлари ўз ҳокимиятида анчагина эркин ҳаракат қилишган ва ҳатто минтақадаги араб ноиблари ҳам айрим вазиятларда улар билан келишишга мажбур бўлишган.

Қисқаси, юқорида кўриб чиқилган маълумотлар араб босқини арафасида Суғд ва Уструшона орасида тигиз ижтимоий-сиёсий ва этномаданий алоқалар йўлга қўйилганидан дарак беради. Бу эса ҳар иккала тарихий-географик минтақанинг ўзаро яқин қўшничилиги, мафкуравий ва этномаданий жихатдан яқинлиги билан боғлиқ эди.

Хуллас, араблар босқини арафасидаги сиёсий жараёнлар ҳамда Суғд ва Уструшонадаги ҳолатга ҳар иккала хукмдорлик орасидаги сулолавий яқинликлар мисолида қараб чиқиш шуни кўрсатадики, ушбу тарихий-географик ҳудудлар орасида яқин алоқалар ўрнатилган эди. Бу биринчидан, ҳар иккала воҳа орасида жойлашган хукмдорликлар бошқарувидаги сулолалар орасида қай даражадир қариндошчилик муносабатлари бўлганлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, Уструшона хукмдорлигида мавжуд бўлган “афшин”, “чўр” унвонларининг Суғддаги йирик хукмдорликлардан бири бўлмиш Панч бошқарувида ҳам ишлатилганлиги, уларнинг ҳар иккаласида бундай унвонлар деярли бир вақтда кўрина бошлагани асосида ўз тасдиғига эга. Шунингдек, Уструшона ва Суғднинг халифалик юришлари арафасида бир-бирига иттифокчи сифатида ҳам ёрдамга ҳаракат қилганлиги, қолаверса, ушбу иттифокқа Фарғона, Чочнинг алоқадорлиги ҳамда бунинг бошида Турк хоқонлиги турганлиги муҳим бир ҳодиса бўлганлигидан дарак беради.

³² Бичурин Н. Я. Собрание сведений. ... II. – С. 313.

³³ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. ... – С. 425, 428; Грицина А.А. Усрупанские были. – Ташкент: 2000. – С. 43.

³⁴ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 290.

³⁵ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. ... – С. 136-137; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 290.

³⁶ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 290.